

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-
SIYOSIY
GAZETA



• 2006-yil • 18-aprel • Seshanba • 45 (27.537) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

Шифокорлар — ЎзХДПнинг асосий таянчларидан бирidir



ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ



Суратларда: (ўнгдан чапга) 2-урология бўлими мудири Ёдгоржон Нурматов шифокорлар Жамила Усмонова, Мусохон Обидов, катта ҳамшира Назира Юсупова; Наманган шаҳар партия кенгаши раиси Акмалхон Умаров бир гуруҳ шифокорларни партия аъзоларига қабул қилмоқда; шифокор Нурилло Ботиров.

сиз найча орқали буйракдаги майда тошларни ҳам оғриқсиз तरीб олиши билан аҳамиятли.

Бу шифо масканда Ёдгоржон Нурматов, Муроджон Акбаров, Мусохон Обидов, Дилфуза Умарова каби малакали врачлар ҳамда Кароматхон Холмирзаева, Жамила Халилова, Гулнора Абдуллаева, Факия Валиева, Гўзал Собитова, Лутфиниса Ашурова сингари ҳамширалар сидқидилдан меҳнат қилишяпти.

Бундан беш йил аввал Тошкентга бориб даво топиладиган касалликка бугунга келиб шу ернинг ўзида даво топиламоқда.

Носиржон ДҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири



Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ФРАКЦИЯ ЙИФИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Депутатлар йиғилиш кун тартибига қўйилган қатор қонунлар лойиҳалари ва фракция фаолиятига оид масалаларни муҳокама этдилар.

Депутатлар иккинчи ўқида Қонунчилик палатаси йиғилишида муҳокама этилиши мўлжалланган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юзасидан Ахборот ва коммуникация масалалари қўмитаси аъзоси Арслон Эшмуродов ахборотини тингладилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қиратилаётган мазкур қонун лойиҳаси, асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислоҳ этиш ва модернизациялаш мақсади ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, кўп жihatдан оммавий ахборот воситалари эркинлигини таъминлаш, журналистлар фаолиятининг кафолатларини таъминлаштириш масалаларига қаратилган. Шу билан бирга, қонун лойиҳасида қайта ишлаш ва соддалаштириш лозим бўлган жihatлар, журналистлар фаолиятини неқилиш мумкин бўлган ай-

ҳаси тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларини тинглаб, ўз тақлифларини билдирдилар.

Йиғилиш кун тартибидан яна бир масала — «Ўзбекистон Республикасининг Ўй-жой кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» «Давлат ўй-жой сифатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз қучини йўқотган деб топиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси юзасидан Қонунчилик палатасининг Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Алишер Мўминов ахборот берди. Маълумки, кейинги йилларда ўй-жой ва коммунал соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг қарорлари мамлакатимизда ўй-жой ва коммунал соҳада ислохотларни бутунлай янги босқичга олиб чиқиб, аҳолининг мазкур тизимлардан фойдаланиши учун янги шароит ва қўлайликлар яратилди. Шу боис, бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши, уларнинг айрим жihatлари «Давлат ўй-жой сифатининг асослари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону-

нига зид келиб қолди. Шуларни ҳисобга олиб, ушбу қонун лойиҳаси депутатлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Фракция аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламентининг 136-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги масалани ҳам муҳокама этдилар. Қўйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманнон Раҳимов депутатларга бу масала бўйича тушунтириш берди. Айтади жойлаки, бу ўзгаришдан қўзғалган асосий мақсад, Олий Мажлис палаталарининг ўзаро самарали ҳамкорлик қилиш механизмининг таъминлаштириш, Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонунларни Сенатга юборишда уларга илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхатини аниқлаштиришдан иборат.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари «Фирма номлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг «Фирма номлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар

қилиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (биринчи ўқиш) ҳақидаги масалани муҳокама этдилар. Фракция йиғилишида Қонунчилик палатаси Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раиси Изидор Қочмарининг 2006 йил 1 чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича вазифалари тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Йиғилишда депутатлар «Хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятини жойларда тушунтириш тўғрисида ҳам фикр-мулоҳазаларни билдирдилар.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан депутатлар Алия Юнусова, Анвар Шукуров, Латиф Гуломов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шарофат Йўлдошева,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хизматлар базори таркиби хизматларнинг янги истикболли турлари — банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация хизматлари ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига тақомиллаштириб бормоқда. Оилаларни мураккаб маиший техника, компьютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига имкон яратди.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истикболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари

пастлигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор қаратмаётганига мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирча бозор мезонларига мос келмаяпти ва уни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу соҳада эришилган кўрсаткичларга таққослаб бўлмайди.

Бу мамлакатларда хизматларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 60-80 фоизни ташкил этади, хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 70 фоизи меҳнат қилади, аҳолининг истеъмол харажатлари таркибида эса мазкур соҳа 50-60 фоизни ташкил этади, ваҳоланки, республикамизда бу кўрсаткич 10-15 фоиздан ошмайди.

Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш учун қўлай шароит яратиш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида банд бўлганлар сонини кўпайтириш ва шу асосда аҳоли даромадларини ошириш ҳамда ички истеъмол бозорини замонавий, сифатли турли-туман хизмат турлари билан тўлдириш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикасида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб ҳисоблансин:

хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қўлай шарт-шароит яратиш, жумладан, бу борадаги расмийликни тўсиқларини бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларда ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи

ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш;

2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;

қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, ўй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор паркларини соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини яна-

да ошириб бориш;

анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда, янги истикболли — юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш; мамлакатимиз қорхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Таркибий ислохотлар қўламларини янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш, уни ўстиришнинг барқарор юқори суръатларини, барқарор ва мутаносиблаштирилган макроиқтисодий кўрсаткичларни таъминлаш, хусусий мулкчилик секторини мустаҳкамлаш ва бизнес учун қўлай муҳитни шакллантириш, аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширишнинг муҳим шерти сифатида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, экспортни ҳар томонлама рабатлантириш — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига ҳамда 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган мажлисида қўйилган асосий вазифалар ана шулардан иборатдир.

Жорий йилнинг биринчи чорагида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш натижаларини таҳлил қилиш ҳамда республика Хукуматининг 2006 йилда иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувор йўналишларини амалга оширишни таъминлаш бўйича вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 апрелда бўлиб ўтган мажлиси қатнашчиларининг диққат марказида бўлди.

Мажлисини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев олиб борди.

Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш давомида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ижобий сифат билан чиқариш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмининг санаоатда 6,8 фоизга, қишлоқ ҳўжалигида 4,5 фоизга, қурилишда 3,6 фоизга, транспорт ва алоқа тармоқларида 7,3 фоизга, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 6,3 фоизга кўпайишига эришилди. Ушбу ижобий жараён инвестицияларни ва экспорт

ҳажмларини кўпайтириш орқали мустаҳкамланди. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди. Ташқи савдо айланмасининг ижобий салдо-си 387,1 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Иқтисодий нозор қорхоналарни тугатиш ва таркибий ўзгариш бўйича қўрилган қатъий чора-тадбирлар таркибий ўзгаришларга 484 қорхонадан 324 тасида ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият кўрсаткичларини яхшилаш имконини берди.

Хусусийлаштириш дастурига мувофиқ 208 қорхона, объектлар ҳамда акциялар ва улушларнинг давлат пакетлари мулкчиликнинг нодавлат шаклларида айлантирилди ва биржа ҳамда биржадан

ташқари савдоларда, улардан 142 (68,2%) объект тўлиқ хусусий секторга сотилди.

Хукумат томонидан ишчанлик муҳитини яхшилаш, солиқ юқини пасайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсишига ҳамда уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2005 йил 1 чорагида 28,2 фоиз ўрнига 30,1 фоизгача кўпайтиришга ёрдам берди.

Иқтисодиётдаги таркибий ислохотлар қўламларини кенгайтириш ва уни модернизациялаш мақсадида 615,6 миллиард сўм капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, улардан 67 фоизини ишлаб чиқариш мақсадидаги инвестициялар ташкил қилди. Ўзлаштирилган хорижий кредитлар ва инвестициялар миқдори 86,9 миллион долларни, шу жумладан тўғридан-тўғри инвестициялар 57,1 миллион долларни ташкил этди.

Бир қатор қорхоналар фойдаланишга топширилди, трикотаж газлама ва тайёр трикотаж буюмлар ишлаб чиқарадиган «ТошКат текстиль», ип-калавалар ишлаб чиқарадиган «Марилонтекс», «Балик-читекс» қўшма қорхоналари шулар жумласидандир. Навоий-Учкудук-Султон Увайстог-Нукус темир йўл линиясини реконструкция қилиш, Тошкент иссиқлик энергия марказини модернизациялаш, Резаккой сув омборини ва бошқа шу каби йирик объектларни қуриш ишлари давом эттирилди.

2-бет

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK

KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!

Tel.: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40

www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com

Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI

MULKDORGA HAMKORI

Tel.: 132-25-51, 133-46-61, faks: 133-20-74

WWW.tshmbn.uz E-mail: info@tshmbn.uz va Birja@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚарориЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА
2006-2010 ЙИЛЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
ЖАДАЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

2. Хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини 2006-2010 йилларда ривожлантириш Дастурининг асосий кўрсаткичлари ва тадбирлари 1-3-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Дастурда белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш учун шахсий жавобгарлик вазирликлар, идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлиги Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дастур ижросининг боришини тизимли мониторинг қилсин ва чорак, ярим йил ва йил якунлари бўйича ўтказиладиган ўз мажлисларида кўриб бориш.

3. Давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда мақсадли кўрсаткичларга эришиш ва асосий йўналишлар бўйича белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур ҳажмда молиялашнинг аниқ манбаларини 1 ва 2-иловаларга мувофиқ белгиланган ҳолда 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган тармок дастурларини ишлаб чиқсин ва бир ой муддатда тасдиқласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари бир ой

муддатда 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва ҳар бир фуқарони, айниқса, қишлоқ жойларидаги фуқароларни сифатли хизматлар билан таъминлаш бўйича ҳудудий дастурларни қабул қилсин. Мазкур дастурларда анъанавий хизмат турларини кенгайтириш ва янгиларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларига 3-иловага мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратиш орқали бу соҳада аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича чоралар кўзда тутилсин.

5. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасидаги замонавий даража ва тез ўсаётган талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ишларининг ҳозирги аҳоли қониқарсиз деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда олий ўқув юрталари ва касб-ҳунар коллежларида мутахассисликлар рўйхати ва хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатини танқидий ўрганиш асосида бир ой муддатда ўқув жараёнини такомиллаштириш, шу жумладан унинг ишлаб чиқариш билан интеграциясини чуқурлаштириш ҳамда бу ўқув юрталари-

даги ўқитувчиларнинг малакасини ошириш юзасидан тактифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси:

бир ой муддатда «Ўзстандарт» агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ҳалқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқилган Фаолият турларининг умумдавлат статистика классификаторини тасдиқласин ва уни босқичма-босқич статистика амалиётига киритсин; аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятларини ҳамда хизматлар кўрсатиш соҳасида статистика маълумотларини тўплаш тизимини ҳисобга олган ҳолда хизматларнинг статистик, шу жумладан алоҳида тармоқлар бўйича ҳисоби методологиясини такомиллаштириш дастурини ишлаб чиқсин.

7. 2006 йил 1 апрелдан бошлаб 4-иловадаги рўйхатга мувофиқ хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси оқорида кўрсатилган имтиёзнинг мақсадли ва аниқ йўналтирилган ҳолда қўлла-ниши устидан қатъий назорат ўрнатсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 17 апрель

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маҳаллийлаштириш дастурини бажариш қўлами кенгаймоқда. Уни амалга ошириш доирасида бугунги кунда 119 корхона ишлаяпти, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,2 баравар кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди. Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ҳисобланган самараси 241 миллион долларни ташкил қилди.

Истеъмол бозорини, савдо ва пулли хизматлар кўрсатишни ривожлантиришда, уй-жой-коммунал хўжалигида ислохотларни амалга оширишда ижобий натижалар кузатишмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги қайта ўзгаришлар чуқурлашмоқда. Тармоқда янги маҳсулотнинг ўсиши 2005 йилнинг тегишли давридагига нисбатан 104,5 фоизни ташкил қилди. Фермерлик ҳарақатини ривожлантириш суратлари ошмоқда. Қайта ташкил этиш жараёнига 219 мева-сабзавотчилик ва узумчилик ширкатлари қўшилди.

Жорий йилнинг биринчи чорағида аҳолининг иш билан бандлиги муаммоларини ҳал этишга, ижтимоий соҳани ривожлантиришга қатъий эътибор берилди. Соғлиқни сақлаш, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимларини ислох қилиш дастурларида, шунингдек, «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурида назарда тутилган тадбирлар режалар асосида амалга оширилмоқда.

Халқ таълими ва соғлиқни

ХДП фаолияти

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида Фуқаролик журналистика клубининг фаолият юритаётганига кўп бўлгани йўқ. Ўтган сайловлар арафасида ташкил этилган клуб ушбу муҳим сиёсий жараёнда сиёсий партиялар билан журналист-

саклаш ходимлари меҳнатини моддий рағбатлантиришни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида мактабларнинг махсус комиссиялари қарорлари билан ўқитувчиларнинг 41 фоизига мактабларнинг махсус ташкил этилган директор жамғармаларидан тўланадиган устамалар белгиланди, қарийб 370 минг тиббиёт ходимлари янги тарификация бўйича иш ҳақи олишмоқда, унга мувофиқ иш ҳақининг ўсиши ўртача 30 фоизни ташкил қилди.

Шу билан бирга, мажлисда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қатор йўналишлари бўйича белгиланган топшириқлар тўлиқ бажарилмаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу муносабат билан эришилган натижаларда тўхтаб қолиш мумкин эмаслиги, балки республика Ҳукуматининг жорий йилнинг 10 февралдаги мажлисида белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилишини таъминлаш зарурлиги қайд этиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Молия вазирлиги Р.Азимов мазкур сўзасида асосий эътибор 2006 йил I ярим йиллигидаги прогноз параметрларини сўзсиз бажаришга доир чора-тадбирларга қаратилди. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг мутаносиблигини сақлаб қолиш масаласига, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмларини кўпайтириш, корхоналарнинг фойда олишини ва иқтисодий самарадорлигини ошириш учун мавжуд резервларни сафарбар

этиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор берилди.

Тижорат банклари томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг депозит ҳисоб рақамларидан ва жисмоний шахсларнинг омонатларидан нақд маблағларнинг узлуксиз берилишини таъминлаш, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг дебиторлик қарзларини қисқартириш учун кўрилатган чора-тадбирлар муҳомада қилинди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ишларига пойтахт истеъмол бозорини қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари билан тўлдириш масалаларини ҳал этиш бўйича назоратни сусайтирилганлиги учун принципал баҳо берилди. Ушбу масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.Муллажонов, Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўтаевнинг ҳисоботлари эшитилди. Наманган вилояти ҳокимининг ўринбосари А.Болтабоев ва Сўрхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари П.Тангриевнинг ҳисоботлари маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш бўйича минтақавий дастурларнинг бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини ошириш нуктаи назардан кўриб чиқилди.

Мажлисда «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси раиси Р.Рўзикулов, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси раиси Э.Зикриёев ва «Еғойтамаксаноат» уюшмаси раиси М.Худоберганов фаолияти корхоналарни молиявий соғломлаштириш, уларда қайта ишланаётган маҳсулотларнинг зарур даражада

ҳисобга олинишини ва уларни сотиш тартибига риоя қилинишини таъминлаш масалаларидаги мавжуд камчиликлар учун қаттиқ танқид қилинди.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари А.Жўраев, Марказий банк раисининг биринчи ўринбосари Қ.Рофиев, Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Ш.Ибрагимов ва Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Н.Хайиткуловнинг ҳисоботлари қишлоқ ҳўжалиги секторидagi ислохотларни чуқурлаштиришнинг боришига бағишланди.

Мажлисда сўзга чиққанлар томонидан қишлоқ ҳўжалиги ширкатларини фермер ҳўжаликларига, шу жумладан мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналишидаги фермер ҳўжаликларига айлантириш эканлигига баҳо берилди, фермер ҳўжаликлари фаолиятини ташкил этишдаги ҳамда уларга хизмат кўрсатиш учун бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмалари объектларини ташкил қилишдаги мавжуд камчиликлар очиб ташланди. Мини-банклар ташкил этиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан давлат эътиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни ташкил этиш учун фермер ҳўжаликларига ўз вақтида кредитлар ажратиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мажлисда чигит экишни ва зарур агротехника тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Халқ таълими вазири

Т.Жўраев, Соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров, Молия вазирининг ўринбосари Ж.Қўчқоров, Андижон вилояти халқ таълими бошқармасининг бошлиғи Р.Раҳматуллаев ва Хоразм вилояти соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг бошлиғи А.Сағировнинг ҳисоботлари халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этишнинг боришига бағишланди.

Ушбу масалани муҳомада қилиш давомидида мазкур вазирликлар ва уларнинг ҳудудий органларининг малакали ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг ҳамда тиббиёт ходимларининг моддий рағбатлантиришнинг такомиллаштирилган тизимини жорий этиш, педагоглар ва тиббиёт ходимларининг шахсий ҳиссасини, ўқув-тарбия жараёни натижадорлигини ва қўйиладиган тиббий хизматлар сифатини ошириш даражасини ҳисобга олган ҳолда уларга устамалар белгилашда мустақиллик ва масъулиятлилик принциплари ташкил этиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, шу жумладан давлат эътиёжлари учун харид қилинадиган маҳсулотлар етиштиришни ташкил этиш учун фермер ҳўжаликларига ўз вақтида кредитлар ажратиш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Мажлисда чигит экишни ва зарур агротехника тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича комплекс қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда тегишли вазирликлар ва идораларга йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, тармоқлар потенциалини ошириш ҳамда 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини сўзсиз бажариш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

(Ў.А.)

ФРАКЦИЯ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ

лар ўртасида боғловчи кўприк вазифасини ўтади, десак хато бўлмайди. Қўни кеча клубда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партиялар фракцияларининг йиллик иш фаолиятига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Халқ демократик партияси би-

лан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда депутатлар, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари ҳамда журналистлар қатнашди.

Очиқ мулоқот тарзида ўтказилган йиғилиш ХДП фракциясининг йиллик

фаолияти масаласига қаратилди. Мулоқотда ХДП фракцияси раиси Аслиддин Рустамов ва фракция аъзолари иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Нозима РАҲИМОВА,
ЎЗДЖТУ талабаси

Муносабат

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлди. Қўллаб-давлат объектлари хусусийлаштирилди. Акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар фаолият бошлади. Жамоа ва ширкат ҳўжаликлари фермер ҳўжаликлари айлантириш ишлари ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, мулкчиликка бўлган шўро давридаги тоталитар муносабат бораҳам топиб, фуқароларга хусусий мулкка эга бўлиб, бойиш имкони учун эркинлик яратилди.

Мулкчилик шаклининг ўзгариши билан аҳолининг маълум бир табақасида ишсизлик муаммоси пайдо бўлиши жаҳон таърибасида кузатишган ҳолат. Сир эмас, бизда ҳам аҳоли бандлиги бўйича шундай ҳолат мавжуд. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оширишнинг ўта муҳим шарти — бандлик масаласини ҳал қилиш учун ҳукуматимиз бир қатор ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, янги микрофирмалар ташкил қилиш, оилавий бизнес ва кичик хусусий корхоналарни ривожлантириш, микрокредитлаш тизимларини рағбатлантириш бўйича қарор ва дастурлар қабул қилинди.

Айниқса, Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ушбу йўналишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу Фармондан келиб чиқадиган имкониятларга асосан энди меҳнатга яроқли бўлаётган иш билан банд бўлмаган фуқаролар уйда тикувчилик, қосибчилик, зардўзлик

ва бошқа ишлар билан шуғулланиб — ҳам даромад олади, ҳам иш стажига эга бўлади. Чунки, касаначилик буюртмачи корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологиясига амал қилган ҳолда ўй шариотида маҳсулот тайёрлайди. Улар билан тузилган шартнома асосида буюртмачи корхонага маҳсулот етказиб беради. Маҳсулотига сертификат олиш улардан талаб қилинмайди. Тайёр маҳсулотни сотиш ҳам буюртмачи корхона

матимиз томонидан ҳуқуқий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш натижаси. Шунингдек, касаначилик ҳисобланади. Бундан ташқари, фуқароларга қорамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, яратилаётган бундай ҳуқуқий ва иқтисодий имконият қишлоқ аҳолисининг бандлик муаммоларини ҳал этишда катта самара бериши аниқ. Бандлик эса — аҳолининг

даври, улар томонидан пенсия фондига сўғурта бадал тўланган тақдирда, пенсия тайинлаш учун меҳнат стаж ҳисобланади. Бундан ташқари, фуқароларга қорамол сотиб олиш учун имтиёзли микрокредитлар ажратилди.

Бир сўз билан айтганда, яратилаётган бундай ҳуқуқий ва иқтисодий имконият қишлоқ аҳолисининг бандлик муаммоларини ҳал этишда катта самара бериши аниқ. Бандлик эса — аҳолининг

киракашлик қилиб, даромад олаётганлардан «қерда ишлайсиз?» деб сўрасангиз «ишсизман, бекорман» дейди. Ўзингиз ўйлаб кўринг: у кирakashлик билан кун бўйи банд, пул топаётми. У ишсизми?!

Назаримизда, худди чорва моллари боқадиган ёки чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчиларга меҳнат дафтарчаси юритилган каби бу тоифа иш билан шуғулланувчиларини ҳам имтиёзли солиққа тортиб, уларга меҳнат дафтарчалари юритиш лозимдир. Ана шунда иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса қишлоқ аҳолисини тўлиқ ва ҳолисона белгилаш ва уларни жаҳон амалиётига мувофиқ ҳисобга олиш ишларини ташкил этган бўламиз. Бунга қай тартибда амалга ошириш механизминини яратиш унчалик қийин эмас, деб ҳисоблаймиз. Жаҳонда бундай амалиёт бор. Қолаверса, бу таъриба касаначилик ҳамда шахсий томорқа, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан шуғулланувчиларга яратилаётган имкониятлар мисолида бизда ҳам йўлга қўйилди.

Албатта, аҳолининг бандлиги масаласида амалга оширилаётган чора-тадбирлар тезда ўзининг ижобий самараларини кўрсатиши, шубҳасиз. Қолаверса, бу борадаги ишларни янада кенгайтириш лозимлигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Насимқул КАРИМОВ,
Ўзбекистон ХДП МК
раиси ўринбосари, Олий
Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати! ФУҚАРОЛАРНИНГ
МЕҲНАТ МУҲОFAZACIаҳолининг баъзи қатламлари бандлигини
қайд этишни ва имтиёзли солиққа тортиб,
уларга меҳнат дафтарчалари юритишни тақозо қилади

зиммасида бўлади. Бу яратилган имтиёз ва имкониятлар касаначилик ишининг оммалашиб кетишида, яъни бандлик муаммосини ижобий ечишда самара бераётганини барчамиз кўриб-билиб турибмиз.

Яқинда Бухоро вилоятида хизмат сафари чоғида биргина зардўзлик фабрикасида 50 нафарга яқин касаначилар фаолият юритаётганининг гувоҳи бўлдик. Улар сони эртага яна ошиши турган гап. Қолаверса, ўша учрашувдаёқ Сўрхондарё вилоятида ушбу фабриканинг иккита филиалини очиб ҳақида келишиб олинди.

Касаначилик фаолиятини ташкил қилган корхона ва фабрикалар бугун ҳар бир туманларимизда топилади. Бу касаначилик фаолиятини ҳуку-

да чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги аввалги ишларнинг мантқиқий давоми бўлди, десак янглишмаймиз. Қарор қишлоқ жойларида аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ижтимоий ҳўжасини кучайтиришда қўл келиши, шубҳасиз. Негаки, ушбу қарорга кўра, шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланувчиларга меҳнат дафтарчалари очилади ва юритилади. Уларнинг шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида қорамол боқиш ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш билан бандлик

турмуш фаровонлиги, рўзгорини бутлиги... Иш билан банд одам жамият билан тўлақонли муносабатга киришади, ундан узилиб, бегонага айланмайди. Шу маънода бандликни фуқаро ва жамият, фуқаро ва давлат ўртасидаги алоқа риштаси, дейиш мумкин.

Шу ўринда бандлик масаласи бўйича баъзи бир мулоҳазаларимни айтмоқчи эдим. 0,5 гектарли томорқага эга одам агар маош тўланадиган бирор жойда ишламаса ўзини ишсиз, деб ҳисоблайди. Бемалол томорқасидан даромад олиб, рўзгорини гулатиши мумкин бўлган ана шундай фуқароларимизни қандай қилиб ишсиз дейиш мумкин? Ёки шахсий автомашинасида



МИЖОЗ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Мирзачўл туман бўлими айни пайтда 228 миқозга хизмат кўрсатмоқда. Миқоз манфаатини кўзлаб қилинаётган амалий ишлар ўз самарасини бераётди. «Хусусан, тадбиркор Бахтиёр Қўноров раҳбарлик қилаётган «Умид» кўп тармоқли хусусий фирмаси банк томонидан берилган имтиё-

зли кредит ҳисобига ўз фаолиятини йўлга қўйди ва ҳозир тумандаги иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардан бирига айланди. «Истиқлол умидлари», «Нурхонбек» кўп тармоқли хусусий фирмалари билан ҳам шундай бўлди. Улар миқоз сифатида ўз фаолиятларида банкнинг амалий ёрдамини ҳар доим сезиб туришибди.



Суратларда: банк бошқарувчиси Абдусаттор Бобобеков мутахассис Мирқарим Маҳамматов билан; миқозлар билан ишлаш жараёни.

Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар.

Ҳомийлик фалсафаси

2006 йилнинг мамлакатимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши инсонга гамхўрликни кучайтириш, аҳолининг ночор қатламлари ижтимоий муҳофазасини янги босқичга кўтариш борасида муҳим қадам бўлди. Президентимизнинг шу йил 23 январдаги «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тўғрисида»ги қарориди муҳтож, бевабечора ва ногиронлар, ёлғиз кишиларга ёрдам беришни кучайтиришни қўллаб-қувватлаш, ёшлар оғинга саховат ва ғамхўрлик фазилатларини сингдириш, ҳомийликни «кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш» вазифалари қўйилган.

Шуни айтиш лозимки, ҳомийлик, саховат, меҳр-мурувват, одамийлик, ўзаро ёрдам, ўзгаларга шафқатли бўлиш, уларга гамхўрлик кўрсатиш ўзбек халқининг менталитети, турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлиб, аждодларимиздан бизнинг давримизгача кишилар хулқ-атвори, юриш-туриши, ўзаро муносабатда сақланиб қолган.

Ҳомийлик ва саховатпешаликнинг илдизлари, гоёвий манбалари қадимги даврларга бориб тақалади. Ушбу инсоний ҳақларни тўғрисидаги илк маълумотлар халқ оғзаки ижодида, мақол, мал-тал ва достонларда, турли

осори-атиқалар, афсона ва битикларда, «Авесто»да, фалсафий, тарихий, ахлоқий, дидактик ва бадий асарларда, панднома ва насихатномаларда, ислом динининг муқаддас китоби бўлмиш Қуръони карим ва ҳадисларда, тасаввуф таълимотида бизгача етиб келган.

Ушбу масалага, айниқса ўтмишнинг буюк сиймолари,

«Баҳористон» асарида бу ҳақда шундай ёзади: «Саховат бирор нарсага қараб, ёки эвазига бирор нарса талаб қилса, ҳатто талаб этилган нарса мактоб ва миннатдорчилик бўлгани тақдирда ҳам, у саховат эмас».

Мутафаккирлар ўз асарларида саховатпешаликнинг акси бўлган очқулик, тама-

Умуман олганда, олимлар инсонларни тўрт тоифага бўлганлар. Биринчи тоифага очқуз, бахил ва тамағирлик қиради. Улар ўзлари еб, бошқаларга бермайдилар. Иккинчиси ўтакетган зикна одамлар бўлиб, ўзлари ҳам емайдилар, бошқаларга ҳам бермайдилар. Учинчи тоифа — сахий кишилардир. Улар ўзлари еб, бошқаларга ҳам

Шу нуктаи назардан қараганда, авлод-аждодларимизнинг саховатли ишлари, салафларнинг бу борадаги қимматли фикрлари ҳозирги вақтда ўрнатилган бўлса арзийди, деб ўйлаймиз. Дарҳақиқат, тарихий манбаларда келтирилишича улуг аждодларимиз ўз даромадларининг бир қисмини хайрли ишларга сарфлаганлар.

ган бинолари, барпо этган боғ-роғлари сақланиб қолди. Одамларнинг тўплаган бойлиги, жаҳошларини, симу зарлари заволга учраб, йўқ бўлиб кетади. Лекин улар қурган ҳашаматли бинолар, кўприк ва шифохоналар кейинги авлодларга хизмат қилади. Шунинг учун барчамиз имкони борида саховатпешалик билан машғул бўлишимиз, аҳолининг муҳтож ва ночор қатламларига ёрдам беришимиз даркор.

Хуллас, авлод-аждодларимиз орасида ҳомийлик анъана бўлиб келган. Доншмандларнинг саховатпешалик ҳақидаги фикрлари, халқимизнинг анъаналари ҳозирги кунда ҳам ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун салафларнинг саховатпешалик, меҳр-мурувват, ғамхўрлик, олижаноблик, хайр-эҳсон, етим-есир, муҳтожларга ёрдам бериш тўғрисидаги фикрларини халқ орасида тарғиб ва ташвиқ қилиш, ўтмишда яшаб ўтган буюк сиймоларнинг ҳомийлиги ва сахийлигини шаклланиб келаётган мулкдорларга ўрнатилиб кўрсатиш, Ватанимизнинг равнақи, ободончилиги учун ўз маблағини аямаётган тadbиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарур, деб ўйлаймиз.

Ҳайдар АЛИҚУЛОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

САХОВАТПЕШАЛИК УЛУҒЛАР ТАЛҚИНИДА

доншманд ва алломалар, давлат арбоблари катта эътибор берганлар. Салафларнинг дунёқарашида ҳомийлик, саховат, меҳр-мурувватли бўлиш, инсонпарварлик эзгулик ва бошқалар бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар сифатида қаралади.

Умуман олганда, мутафаккирлар саховат ва қарамни энг олий қадрият, эзгулик ва инсонийликнинг юксак чўққиси, одамнинг ташқи ва ички кўринишини безайдиган ҳислат деб билганлар. Масалан, Жомий сахийлик деганда, эвазига бирор нарса талаб қилмайдиган, беминнат ва ҳолис ёрдамни тушунади. У

гирлик каби иллатларни қоралаганлар, фақат ўз манфаатини кўзловчи, худбин ва бойликка хирс қўйган кишиларни танқид остига олганлар. Кайковус ўзининг «Қобуснома» китобида жавонмардлик, шижоаткорликни сахийлик ва қўли очиклик маъносиде тушунади. Мутафаккир олижаноблик, меҳмондорчилик, сахийлик, тўғрилик каби сифатларни жавонмардликнинг асоси, деб билади. Айни вақтда аллома жавонмардликни тамағирликка қарши қўяди. «Тамағир ва очқуз одам — дейди, — паст ва хордир, бундай одам ўзининг молидан ва жавонмардлигидан тама қилмай».

бериладилар. Тўртинчи тоифадагилар олиҳиммат одамлардир: ўзлари емай бошқаларга бериладилар.

Ҳомийлик ва саховатпешаликнинг яна бир муҳим жиҳати борки, бу ҳақда Президенти Конституциямизнинг 13 йиллигига бағишланган ташнада алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар. Яъни ҳомийлик фақатгина муҳтож ва гариблар, ночор кишилар, етим-есирларга меҳр-мурувват, саховат кўрсатиш билан чекланиб қолмайди. Балки у шахар ва қишлоқни обод қилишда, йўллар ва кўприклар, мактаблар ва бошқа бинолар қуришда саховатпешалик қилишни аниқлатади.

Тарихчи Хондамирнинг ёзишича Алишер Навоий ўз ҳисобидан қатор иншоотлар қурдирган. Ул зот хусусан, Ҳиротда «Ихлосия», «Низомия», Шифоия» мадрасаларини, Марв шаҳрида «Хусравия» мадрасасини қурдиради. Булардан ташқари, Навоий «Жамоатхона», «Зиёратгоҳ» ва қўллаб ҳаммомлар, меҳморчилик обидалари қурдиради. Хуллас, олимларнинг ҳисоб-китобига қараганда, ул зот 300 дан ортиқ бино қурдиради, канал ва ариқлар қаздиради.

Салафларнинг фикрича, умр қақмоқ каби бир зумда ўтиб кетади. Бу дунёда унинг қилган эзгу ва савоб ишлари, қур-



БУЮК БРИТАНИЯ

Буюк Британияда террорчиликка қарши янги қонун қўйишга кирди. Унга кўра, энди мамлакатда террорчилик актиларини ташкил этиш учун қўлланмалар тарқатиш ман этилади.

Бош вазир Тони Блэрнинг айтишича, янги қонун Лондонда 2005 йилнинг 7 июль кунин террор содир этган шахсларни қўлларга қўтариб мақтаётганларга қарши ишлаши керак.

Янги қонунга кўра, атом электростанциялари ва бошқа ядро объектларида ноқонуний равишда кириш террорчилик ҳаракати-га тенглаштирилиши мумкин. Бундан ташқари, энди террорчиликда гумон қилинаётган шахсларни полицияда ҳибсда ушлаб туриш муддати 14 кундан 28 кунгача узайтирилди. Ҳукумат бу муддатни 90 кунгача узайтиришни таклиф этганиди, бироқ парламент аъзоларининг кўпчилиги бу таклифни маъқулламади.

Шунингдек, кўпгина судья, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари, муҳолифат вакиллари ва ҳатто, ҳукумат тепасидаги Лейбористлар партияси депутатлари бу қонунга қарши чиқишди. Улар қонун фуқаролар ҳамда сўз эркинлигини чеклаши мумкин, дея фикр билдиришди.

Ҳукумат эса янги қонун Британия қонунчилигининг юмшоқлигидан фойдаланган экстремистларга қарши курашиш учун зарур, деб билади.

ИРОҚ

Яқшанба кунин Ироқда рўй берган портлашлар ва қуролини тўқнашувлар оқибатида 34 нафар киши ҳалок бўлди. Зиддиятлар мамлакатдаги сиёсий бекарорлик туфайли юз бермоқда.

Ироқ расмийлари берган маълумотга кўра, Ироқ парламентининг душанбага режалаштирилган сессияси бир неча кунга қолдирилди.

Яқшанба кунин мамлакатнинг сиёсий етакчилари бош вазир Иброҳим Жаъфарийнинг ўз вазифасини бажаришни давом эттириши борасида бошланиб кетган баҳсларни ҳал этишга уринишди.

Сунний ва қурдлар Жаъфарийни вазифасидан озод этишни ишларининг бирлашган Ироқ альянсиндан талаб қилишмоқда. Улар Жаъфарийни мамлакатда тинчлик ўрната олмаётганлиқда айб-лашди.

ҲИНДИСТОН

«Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Кашмирнинг тоғли ҳудудларидан бирида «Жаши-и-Мухаммад» экстремистик гуруҳи раҳбари ўлдирildi. Бу гуруҳ «Ал-Қоида» билан алоқа қилувчи энг фаол террорчилик ташкилоти ҳисобланар экан. «Жаши-и-Мухаммад» жума кунин Сринагарда рўй берган портлаш учун жаавобгарлиқни ўз бўйига олганди. Портлаш оқибатида беш одам ҳаётдан кўз юмди. Бундан ташқари ташкилот ўтган йили 7 июль кунин Лондонда амалга оширилган портлашларга алоқадор деб ҳисобланади.

ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИ

ХАМАС етакчиси Халид Машъалнинг Эронга ташрифидан кейин Техрон Фаластин мухторияти ҳукумати-га ёрдам тариқасида 50 миллион доллар ажратишга қарор қилди. Эрон томони Фаластинда ХАМАС гуруҳи бошчилигида тузилган ҳукумат Фарб мамлакатлари молиявий ёрдамидан маҳрум бўлган, шу қарорга келди.

Россия Ташқи ишлар вазирлиги ҳам Фаластинга молиявий ёрдам ажратишга ваъда берди.

Эронга қилган ташрифи давомида Халид Машъал мухториятнинг умумий қарзи 1,7 миллиард долларни ташкил этишини маълум қилди. У шунингдек, ҳукуматга ҳар ойда 170 миллион доллар кераклиги ва ўша пулларнинг 115 миллиони ойлик иш ҳақларини тўлаш учун сарфланганини айтиб ўтди.

Эрон ташқи ишлар вазир Манучеҳр Моттақининг фикрича, мухториятга чет элдан молиявий ёрдам кўрсатилмайдиган бўлса, мамлакатда ижтимоий инқироз юз бериши мумкин.

БМТ, АҚШ, ЕИ ва Россия эса Фаластин ҳукуматидан Исроилни тан олишни, бу давлат билан тузилган барча шартномаларни тиклашни ва зўравонлиқни тўхтатишни талаб қилмоқда.

НЕПАЛ

Непалда Гьянендра қиролига бўйсунмаслик ҳаракатлари янада авж олди. Қиролга муҳолифатда бўлган етти партиядан иборат альянс халқни солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни амалга оширмасликка чақирди.

Муҳолифатдаги қўллар вакилининг хабар беришича, намойишлар ташкилотчилари хавфсизлик қўлларини ҳам ҳукумат буйруқларини бажармасликка чақирган.

10 кундан ортиқ вақтдан бери давом этаётган намойишлардан кейин мамлакат пойтахти Катмандудеда озиқ-овқат ва ёнилғи тақчиллиги сезилмоқда.

Мамлакат бўйлаб ўтказилаётган норозилик намойишларида минглаб одамлар иштирок этаётган.

ЕВРОПА

Европа қитъасининг жануби-шарқидида дарёларда сув сатҳи кўтарилиши мумкинлиги туфайли бу ердаги аҳоли ҳаёти хавф остида қолди. Тўхтамай ёғавтган ёмғир ва қор эриши натижасида пайдо бўлган сув тошқинлари оқибатида минглаб одамлар эвакуация қилинди.

Сербиянинг ўнлаб туманларида фавқулодда ҳолат жорий этилди. Болгария ва Руминия ҳам табиий офат қурувида қолди. Бу ҳудудларда Дунай дарёсида 1895 йилдан бери қузатилмаган сув сатҳининг кўтарилиши рўй берган. Дунайдан ташқари яна 4 дарёнинг топиш хавфи туғилмоқда.

Руминия ҳарбийлари ва фуқаро муҳофазаси қўллари вакиллари қўм тўлдирилган қоплардан сув оқимида қарши сўний тўсиқлар барпо қилишмоқда. Бирок сув тошқинлари давом этаётгани тўсиқлар намлиниши ва бузилиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Болгария ва Руминия чегарасидаги аҳоли пунктлари ва экин майдонлари сув остида қолди.

Ҳаёт йўлида биринчи масала — мактаб масаласидир

Тилимизда ҳароратли сўзлар жуда кўп. Хар гал муаллим деган сўзни эшитганда кўнглимизда ажиб бир илқилик, ҳаяжон сезамиз. Шу билан бирга устозлар олдида узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси ҳам пайдо бўлади. Ана шундай эҳтиромга лойиқ инсонлардан бири, Бухоронинг муқаддас гўшаи — Абдуҳолик Ғиждувоний ватанида болага етган Халқ ўқитувчиси Болта Эловдир.

Муаллимга бу касб онаси-



Эловнинг «Паскал тилида информатикадан олимпадида масалаларини ечиш» қўлланмаси нашрдан чиқмоқда.

— Муқтақилигимизнинг 14 йиллиги арафасида Болта Эловга муҳтарам Президентимиз Фармони билан «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони берилганини эшитиб жуда қувонгандим, — дейди тахрибала педагог Нарзи Файзиев. — Унинг ушбу юксак мукофот билан тақдирланиши нафақат туманимизнинг, балки вилоят педагогларининг ҳам улкан ютуғи бўлди.

— Кейинги уч-тўрт йил ичида нафақат вилоятимизда, балки бутун мамлакатимизда кўрсангиз дил қувайдиган миллий услубдаги янги мактаблар бунёд этилди, — дейди Болта Элов. — Уларнинг моддий-техника базаси, жаҳон андозларига мос ўқув жиҳозларини айтмайсизми? Бунинг устига ўқитувчилар меҳнати юртимизда юксак қадрланмоқда. Яратилаётган бундай шароит ва имкониятлардан ким ҳам қувонмайди дейсиз? Бир эсга олайлик, илгари собиқ иттифоқ даврида ўқитувчи-га бундай эҳтиром, гамхўрлик кўрсатилармиди? Демак, бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлаш, изланиш, кенг фикрлаш, илғор педагогик технологияларини амалда самарали қўллаб билиши, бир сўз билан айтганда, берилаётган эътибор ва гамхўрликка муносиб бўлмоғи керак. Бугина эмас, ҳозирги мураккаб замонда ўсиб келаётган ёш авлодни зарарли ёт гоълардан сақлаш, улар қалбига эзгулик уруғини сочиб, ватани ва халқига садоқатли қилиб тарбиялаш ҳам бугун ўқитувчи зиммасидаги масъулиятдир.

Дарҳақиқат, бугун фарзанд таъбириши, унинг келажаги учун ўзини жаавобгар деб билган ҳар бир ўқитувчи ўз касби қадри ҳақида шундай фикрлаши зарур. Эртанги кун давомчиларини даврга мос билимли қилиб вояга етказиш эса улар олдида янада шарафли вазифаларни қўймоқда. Буларни рўёбга қийариш учун Болта Элов каби фидойи, заҳматқаш муаллимларимизнинг иштирокчилиги, таърибаси, муҳими, мактабга бўлган меҳри жуда зарур.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ БИЛАН

Асака шахрининг бешта маҳалласига 13 километрдан ортиқ водопровод қувири тортилди. Бу ишларни бажариш учун «Ўзвотсаноат» давлат акциядорлик компанияси 150 миллион сўм сарфлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят

ҳоқимияти ва маҳаллий ҳомийларнинг кўмаги туфайли 58 та кўп қаватли уйнинг сув билан таъминлаш тармоғи таъмирланди. Эндиликда уйнинг юқори қаватида яшовчилар ҳам иссиқ ва совуқ сувдан мунтазам фойдаланадиган бўлди.

«Туркистон-пресс»

ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЎЗЛАШТИРИЛГАН ЕРЛАР

СУД ҚАРОРИ БИЛАН ФЕРМЕРГА ҚАЙТАРИЛДИ

Мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилиш, паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган ширкат ҳўжаликлари фермер ҳўжаликларига айлантириш, бир сўз билан айтганда, ерни ҳақиқий эгасига бериш борасида кенг қўллами ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан, Хоразм вилоятида ҳам қишлоқ ҳўжалигини ислоҳ қилиш жараёни олиб боришмоқда. 3590 таси боғдорчилик, 625 таси чорвачилик, 61 таси баллиқчилик, 1251 таси қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришида бошқа йўналишларида фаолият кўрсатади. Шунингдек, 1765 фермер ҳўжалиги янгида ташкил қилинди. Буларнинг барчаси қишлоқ ҳўжалигини тубдан ислоҳ қилиш учун амалга оширилаётган ишлар.

Шу билан бирга бу борада маълум бир муаммолар борлиги ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Чунончи ширкатлар ўрнида фермер ҳўжаликлари ташкил қилиниши билан бир қаторда судларда ер низолари бўйича қўрилаётган ишлар салмоғи бирмунча ортди. Чунки фермер ҳўжаликлари тугатиш ва фермер ҳўжаликлари ташкил қилиш билан боғлиқ комиссиялар томонидан уларга ажратиб берилаётган ерларни тўлиқ ўрганиш чоралари ҳар вақт ҳам қўриблармайдилар. Афсуски, пудратчи ёки ерни ўзбошимчалик билан эгаллаб олган фуқаролар борлигини комиссиялар билган ҳолда улардан бу ерни олиш чораларини кўрмасдан мазкур ерларни фермер ҳўжаликларига узок

муддатли ижарага бериш ҳоллари қўллаб учрамоқда. Натижада фермер ҳўжалиги ерга ишлов бериш, экин экиш ёки бошқа агротехника ишларини амалга ошириш ўрнига вақтини ўзбошимчалик билан эгалланган ердан бошқаларни қийариб юборишга сарфлайди. Ушбу тоифадаги ишлар бўйича ишга тегишли ҳоқимият тараф сифатида ҳам қишлоқ томонидан жалб этилади. Лекин улар суд мажлисида ўз вақили-рини юбормайдилар. Бу эса ишларни ўз вақтида ва мазмунан қўришга таъсир қилмоқда.

Қадам Ҳусимовга боғдорчилик йўналишида фермер ҳўжалиги ташкил қилиш учун туман ҳоқимининг қарори чиқади. Унга 50 йил муддатга янгида бoғ барпо қилиш учун 1,2 гектар ер майдонини ижарага ажратиб берилади. Ушбу ҳолат бўйича фермер ҳўжаликлари ижарага ер бериш масалалари бўйича туман комиссиясининг ҳулоасида олинади. Фермер ҳўжалигига ажратилган ер майдонини хойида қўрсатиш далолатномаси тузилади. Лекин фермер иш бошламоқчи бўлган вақтида бу ерга 9 нафар «эга» чиқади. Маълум бўлишича, улар ушбу ерларга ўзбошимчалик билан экин экиш ишларини давом эттиришади. Натижада фермер судга даъво ариза беришга мажбур бўлади.

Суд мажлисида ушбу фуқаролар ҳеч қандай руҳсатсиз, ўзбошимчалик билан ҳоқимлик захира ер фондида қирадиган ушбу ерлардан 5-6 йилдан бери фойдаланиб келаётганини аниқлади. Устига-

устак улар бу ерлар ўзларига қўшимча томорқа сифатида беришганини тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим қила олмадилар. Шунга кўра суд томонидан даъвогарнинг даъвоси тўлиқ қаноатлантирилди. Аммо, фермер ўзига ижарага берилган ер майдонидан бир йилдан ортиқ вақт давомида фойдалана олмай келган. Бу ҳолатни ер берувчи комиссиялар ўз вақтида аниқлаганда иш судга етиб келмасди. Фермер ҳам сарсон бўлмасди.

Ўтказилаётган танловларда адолат устувор бўлиши, имкониятлар тўлиқ ўрганилиши, даъвогарнинг билим салоҳияти, соҳани қай даражада тушуниши атрофлича ўрганилмоғи зарур. Масалан, 2005 йили вилоятимизда 475 фермер ҳўжалиги давлатга хомашё сотиш бўйича шартнома шартларини бажара олмади. Ушбу йилда туман ҳоқимлари қарорлари асосида 109 фермер ҳўжалиги билан тузилган ижара шартномалари ихтиёрий равишда бекор қилинган. Ҳўжалик судига прокуратура томонидан 19 та фермер ҳўжалиги билан тузилган ерни ижарага бериш шартномаларини бекор қилиш ҳақида даъво аризалари киритилган.

Президентимизнинг «2006 йилда қишлоқ ҳўжалиги қорхоналари (ширкатлари)ни фермер ҳўжаликларига айлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Унда ерлар талаб-горларга фақат танлов асосида берилиши, танлов ошқора, ҳолисона, жамоатчилик қузатуви асосида ўтказилиши бош мезон қилиб белгиланган.

Исмом ИБРАГИМОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди судьяси

Баркамол авлод орзуси

Яқинда пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек информатика касб-хунар коллежиде ахборот-коммуникация технологиялари бўйича ўзбекистон ва Германия лойиҳаси доирасида янги ўқув жиҳозлари тақдими бўлиб ўтди.

— Мазкур лойиҳага асосан 2004-2005 ўқув йилида даргоҳимизга ёшларни қабул қилгандик, — дейди коллеж директори Асад Санаев. — Айни пайтда улар электроника, дастурлаш ва тижорат йўналишларида тахсил олишмоқда. Ўзбекистон ва Германия қўшма лойиҳасига асосан 75 та компьютер тўплами, электроника жиҳозлари келтириб ўрнатилди. Бу билан ёшларимиз олган билимларини замонавий технологиялар асосида янада мустаҳкамлаш имконияти пайдо бўлди.

— Ёшлигимдан компьютерга қизиқар эдим. Бу ерга ўқишга киргач, замонавий ахборот технологиялари соҳасини чуқур ўрганишга киришдим. Чунки, бугунги жа-



КОЛЛЕЖДА ТАҚДИМОТ


дал тараққиёт даврида улар-сиз ҳаётни тасаввур этиб бўлмайди, — дейди коллеж талабаси Азиза Хўжаева. Тақдимот иштирокчилари келтирилган ўқув-лаборато-

рия жиҳозларининг ўрнати-лиши ҳамда ишлатилишига юқори баҳо беришди.

Маъмурият МАХМУД,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Суратларда:
коллеж ҳаётидан
лавҳалар.

Владимир ГРАНКИН
олган суратлар



Анкара давлат универ-ситетида Алишер Навоийнинг 565 йиллигига бағишлаб илмий конфе-ренция ўтказилди. Унда Туркия олий ўқув юр-тлари ва илмий марказ-лари шарқшунос олим-лари, жамоатчилик ва мамлакатда аккредита-циядан ўтган диплома-тик корпус вакиллари, журналистлар иштирок этдилар.

УЛУҒ ШОИР
ХОТИРАСИГА
БАҒИШЛАБ

Конференция қатнашчилари Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг ўзбек классик адабиётининг вужудга келишидаги ўрни ва Шарқ халқлари маданияти ривожига қўшган ҳиссаси тўғрисидаги маърузаларни тингладилар.

— Мамлакатингиз демократик ҳаётни қўриш сари собитқадам ташламоқда. Ўзбекистон бу — илм-фан, маданият ва маънавият уммонидир. Шу боис у туркийзабон халқлар учун муҳимдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов раҳбарлигида ўзбек халқининг тарихий ва маданий қадриятларини ўрганиш ва қайта тиклаш бўйича улкан ишлар амалга оширилмоқда. Мисол тариқасида Самарқанд, Бухоро ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида қайта тикланган ва қурилган тарихий ва меъморий ёдгорликларни келтириш мумкин, — деди Анкара университети профессори Орхан Кавунжу.

Анкара шаҳар маъмурияти вакили Тургут Алтинко сўзларига кўра, Ўзбекистон ўз кучига таяниб, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича муносиб ва тўғри сиёсатни олиб боради, мустақиллик қўлга киритилгандан сўнг республиканинг ижтимоий — сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.

«Жаҳон»АА

«АХБОРОТ ДУНЁСИ» —
БИЛИМЛАР МАНБАИ

Тошкент ахборот технологиялари универси-тетиде «Ахборот дунёси» номли электрон га-зета ташкил этилди.

Талабалар интеллектуал салоҳиятини бой-тишга қаратилган мазкур электрон газетада университет ҳаётида рўй бераётган воқеалар, янгиликлар, медиа-таълим материаллари, ўқув жараёнининг стратегик масалалари, инновацион-дидактик технологиялар ҳамда ёшлар-нинг фикр-мулоҳазалари эълон қилинади.

«Ахборот дунёси»нинг электрон манзи-ли www.tuit.uz

Элдорбек АКРАМОВ, талаба

«ТРУСКАВЕЦ»ДАН
ҚОЛИШМАЙДИ

Пахтабод туманидаги «Маданият» са-наторийида дастлабки дам олувчиларни қабул қилди.

Гап шундаки, бу масканда 2 минг 650 метр чуқурликдан шифобахш минерал сув олинади. Бу сув шифобахшлиги жиҳати-дан Украинанинг «Трускавец» санаторий-сидан чиқадиган «Нафтус» минерал су-видан қилишмайди.

Шунингдек, санаторийда даволашда шифобахш гиёҳлардан шарқ табobati усулларидадан фойдаланилади.

«Туркисмон-пресс»

Мулоҳаза

ДУНЁДА ИНСОФЛИЛАР
КЎП

Хонамга кириб келган ўсмир йигит ўзини юридик коллеж талабаси деб таништирди.

— Бир опага миннатдорчилигини газета орқали билдирмоқчи эдим, — деди у.

Маълум бўлишича, Кўча даҳасидаги «Оқлон» дўконига қарашли ошхонадан овқатланиб чи-қиб кетгач, бир неча соатдан кейин қўл теле-фони қолиб кетганини билибди. «Балким, ош-хонада қолгандир?» ўз шубҳасига ишониб-ишонмай қайтиб келса, телефонини ҳақиқат-дан ҳам шу ерда унутиб қолдирган экан.

— Ошхона хизматчиси — Нозанин опа бо-ришим билан, сўрамасимданок, «мана теле-фонинг, ука», — дедилар...

Бор гап шу. Оддийгина воқеа — аслида бировнинг мулкига, омонатига хиёнат қил-маслик ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурч-ларидан бири. Аммо, эътибор қилинг, бир кун давомида сизни неча бора алдамоқчи бўлишди. Бугун эрталаб бозорга тушдим. Дўконда янги конфетни кўрсатиб, бошқа қутидеги эскироғидан тортиб беришмоқчи бўлишди. Анор сотаётган йигит, танлаб олишга келишганимизга қарамайдан, катта-гина ярми ириган мевани кўзимни шамғалат қилиб, қўлимга тутқазди. Харид қилган икки кило шакарни назорат тарозисиде қайта тор-тиб кўрсам, роппа-роса 300 грамм кам чиқ-ди. Қассоблар орасидан эса диёнатлисини топиш анча мушкул. Бундай алдашларга фа-қат бозорда эмас, кўча-қўйда, ҳатто ишхо-нангизда ҳам дуч келишимиз мумкин. Шу ҳолатларга гувоҳ бўлиб, 300 минг сўм тура-диган қўл телефони эгасига топширган Но-занин опа ҳақида ўйлаб қолдим.

Аёлнинг ўзини кўргим, у билан суҳбат-лашгим келди. — Опажон, овора бўлибсиз-да, — аёл хи-жолат бўлиб қулади. — Бундай воқеалар-

нинг нечасига гувоҳ бўлганмиз. Ошхонами-да тайёрланадиган кабобнинг таърифи кет-ган, шунинг учунми, мижозлар узишмайди. Кимдир телефонини, бошқаси ҳужжатлар со-лингган папкасини унутиб қолдирган ҳоллар кўп бўлган. Ҳатто, хаёл билан пальтосини уну-тиб, машинани хайдаб кетиб қолишди. Го-ҳида бир зумда, баъзан бир неча кундан кейин қайтиб келишди, буюмларини эгала-рига бус-бутун топширади... Бировнинг на-раси ҳеч қачон бировга буюрмайди.

— Инсоннинг дилидаги инсоф тарбияси оиладан бошланиши керак, — дейди яна Но-занин. — Уч фарзандим бор, 10 яшар ўғлим амакисининг устaxonасида иш ўрганапти. Бир-икки сўм пул олиб келган қунарни, су-риштириб қоламан. «Амаким, ишимдан хур-санд бўлиб, бердилар», дейди у. Ҳозир унинг саволлари кўп. Устахонага буюртма берган одамнинг «хизматингизга рози бўлинг», у-с-таларининг ҳам хизмат ҳақини олаётганда «бер-ганингизга рози бўлинг» дейишларини кузатиб-ди. Бир кунни нима учун бундай дейишларини мендан суриштириб қолди. Хизмат сифатсиз бўлса, рози бўлмай берилган ҳақ буюрмас-лигини тушунтирдим. Боланинг ана шундай саволларига жавоб бериш орқали унинг юра-гига инсоф-диёнатни сингдириш мумкин...

Талаба йигит ўз умри давомида турли та-содиқларга дуч келганда Нозанинни эсла-шига шубҳа йўқ.

Эрталабки бозордаги воқеалардан сўнг кели-б чиққан хулосалар ўрнини юқоридаги суҳ-бат сабаб яхши ҳаёллар эгаллайди: бари-бир, дунёда инсофсизлардан кўра инсоф-лилар, ёмонлардан яхшилар кўпроқ. Дунёни аслида шундай одамлар тугиб турадилар.

Шарофат ЙЎЛДОШЕВА,
журналист

Спорт

МЕҲМОНЛАР ҒАЛАБАСИ

Футбол бўйича Ўзбекистон XV миллий чемпионати олий лига жамоалари 6-тур учра-шувларини ўтказишди. Ушбу турнинг олти учрашувиде меҳмонлар зафар қучган бўлса, қолган иккитасидаги-на майдон эгаларининг қўли устун келди.

Сариосиёда «Тўпаланг» — «Насаф» жамоалари учраш-увида қаршилиқ футболчилар чин маънода ўзларининг ғалабага бўлган иродаларини намойиш этишди. Учра-шувнинг 88-дақиқасигача мезбонлар Алишер Бозоров томонидан киритилган тўп эвазига олдинда боришаёт-ганди. Бироқ «Насаф» фут-болчилари хал қилувчи пал-лалардан унумли фойдала-ниб, «Тўпаланг» дарвоза-сига кетма-кет икки тўп йўллашди. Учрашувда меҳ-монларнинг туркманистон-лик легонери Рустам Сафа-ров (88, 90+2) «дубл»га эришди.

Чемпионат пешқадами «Пахтакор» «Жар» спорт маж-мудида уюштирилган учраш-увида пойтахт темирйўлчилари-ни кичик ҳисобда мағлубият-га учратди — 0:1.

Қолган ўйинлар қўидаги натижалар билан ниҳоясига етди: «Сўғдиёна» — «Андижон»

— 0:1, «Шўртан» — «Навба-хор» — 1:2, «Трактор» — «Қи-зилқум» — 0:1, «Нефтичи» — «Хоразм» — 6:0, «Металлург» — «Бухоро» — 2:1, «Самар-қанд-Д» — «Машъал» — 0:1.

Еттинчи тур учрашувлари 21-23 апрель кунлари бўлиб ўтади.

Олтинчи турдан кейинги вазият

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. «Пахтакор»	6	6	0	0	15-0	18
2. «Машъал»	6	5	1	0	12-2	16
3. «Нефтичи»	6	4	1	1	15-6	13
4. «Насаф»	6	4	1	1	9-6	13
5. «Навбахор»	6	3	1	2	9-6	10
6. «Трактор»	6	3	0	3	6-9	9
7. «Металлург»	6	2	2	2	9-7	8
8. «Кизилқум»	6	2	2	2	8-9	8
9. «Тўпаланг»	6	2	2	2	7-8	8
10. «Андижон»	6	2	1	3	8-6	7
11. «Локомотив»	6	2	1	3	5-10	7
12. «Бухоро»	6	2	0	4	8-8	6
13. «Самарқанд-Д»	6	2	0	4	3-10	6
14. «Шўртан»	6	1	1	4	3-8	4
15. «Сўғдиёна»	6	0	2	4	0-6	2
16. «Хоразм»	6	0	1	5	2-18	1

ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОФ
САМАРАСИ

Кеча пойтахтимизда оғир атлетика бўйича Осиё кубоги баҳслари бошланди

Мамлакатимизда спортга берилаётган эътиборни юк-сак баҳолаган Осиё Халқа-ро Оғир атлетика федера-цияси икки йилдирки, қитъа миқёсидаги йирик мусобақа-лар мезбонлигига Ўзбекис-тонни танламоқда. Ёдингиз-да бўлса, ўтган йил август-да Чирчиқ шаҳрида илк ма-ротаба Осиё биринчилиги уюшқоқлик билан уюштирил-ган. Унда қитъамизнинг ўттизга яқин давлатидан энг сара штангачилар баҳс олиб боришганди. Мусобақанинг ташкилий жиҳати ва савия-

сидан қониқиб ҳосил қилган Осиё Халқаро Оғир атлетика федерацияси яна бир нуфуз-ли турнирни Ватанимизда уюштиришга қарор қилди.

Айни пайтда пойтахтимиз-даги Республика Олимпия за-ҳиралари спорт коллежиде ёшлар, катталар ўртасида ўтказилаётган Осиё кубоги баҳсларида қитъамизнинг ўн бешдан ортиқ мамлакатидан спортчилар қилиб қолган учун майдонга чиқишмоқда. Улар орасида Жанубий Корея, Хи-той, Эрон, Қозоғистон, Ку-вайт, Бирлашган Араб Амир-

ликлари сингари кучли терма жамоаларнинг борлиги баҳс-ларнинг муросасиз ўтишини таъминлаши шубҳасиз.

— Мазкур мусобақада юр-тимиз оғир атлетикачилари иккитадан таркиб билан иш-тирок этишмоқда, — дейди Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Шахрулло Маҳмудов. — Бу эса мутахас-сисларимиз учун Осиё ўйин-лари қилиб, қитъа чемпио-нати совриндорлари Руслан Алпанов (62 кг.), Саломат Ну-руллаев, Ақобир Усмонов (77 кг.), Исқандар Маминбеков, Фуркат Саидов (94 кг.), Алек-сандр Урунов (105 кг.), Игор Халилов (+105 кг.) сингари тажрибали оғир атлетикачи-лар билан бир қаторда умид-ли ёшларни синовдан ўтказиш имконини беради.

Еттинчи маротаба ўткази-лаётган Осиё кубоги баҳсла-ри 23 апрелгача давом эта-ди.

Эркин ХОЛБОБО

Суратда: терма жамоа етакчиларидан бири Игор Халилов.

Абдувоси ХАЙДАРОВ
олган сурат

ФУТБОЛ
БЕЗОРИЛАРИ
ҚЎЛГА
ОЛИНДИ

Москвада мамлакат футбол чемпионатининг бешинчи турда учрашган «Локомотив» — ЦСКА ҳамда «Москва» — «Спартак»

(Нальчик) жамоалари ўйинларида 74 нафар безори қўлга олинган ҳақида пойтахт Ички ишлар бошқармаси хабар беради.

Черкизоводаги «Локомо-тив» стадионида эса темирйўлчилар билан армиячилар тўп сурган. Бу ўйинда 67 нафар безори қўлга олинган. Шулардан 16 нафари стадион анжом-ларини ёққан, қолган 49 таси маст-аласт ҳолда безорилик қилган экан. Учрашув эса 3:2 ҳисобида «Локомотив» фойдасига ҳал бўлган. Эдуард Стрельцов номли стадионда эса пойтахтликлар Нальчик спартакчиларини қабул қилишган. Бу ўйинда бор-йўғи 5 минг нафар мухлис иштирок этганига қарамай, шулардан етти таси мили-ция томонидан безорилиги учун ушланган.

БРАЗИЛИЯЛИКЛАР
ФИНАЛНИ КЎЗЛАМОҚДА

Беш карра жаҳон чемпиони Бра-зилия терма жамоаси мухлислари ҳозирданок финални орзу қилмоқда-лар. Ашаддий мухлислар Германия-да ўтадиган жаҳон чемпионатида ҳам бразилияликларнинг қўллари баланд келишига мутлақ ишонган ҳолда са-молётларга чипталар буюрмоқдалар. Улар 9 июль кунни ҳал қилувчи учра-шувда Бразилия футболчилари майдонга тушади, дейишмоқ-да. Бу фикрни Германия пойтахтининг аэропорт тармоғи бўйи-ча матбуот қотиби Эберхард Иллие ҳам тасдиқламоқда. Унинг сўзларига қараганда, Берлиндаги энг йирик аэропортларга Бразилиядан финал учрашуви бўладиган кунлар учун қўллаб-тақлифлар тушаётган экан. Эслатамиз, Бразилия терма жа-моаси гуруҳ учрашувларини Хорватия, Австралия ва Япония футболчилари билан ўтказди. Уларнинг жаҳон чемпионати нимчорак финалига чиқишлари учун ўз гуруҳларида қамади иккинчи бўлишлари керак бўлади. Бразилияликлар биринчи учрашувни 13 июнда Хорватия футболчиларига қарши ўт-казди.

«ОЛИМПИАДА — 2008»
ТАНТАНАЛАРИ БЕТАКРОР БЎЛАДИ

Хитой пойтахти Пекин-да ўтказилажак «Олимпиа-да — 2008» ўйинлари-нинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари қизиқарли ва бетакро-р бўлиши учун ҳозирлик қилишмоқда. Хусусан, ма-шхур голливуд киноре-жиссёри Стивен Спил-берг Олимпиада ўйинлари бош режиссёри Чжан Имоуга ёрдам-чи бўлишга розилик берган. Америкалик режиссёр бир йил аввал Хитой олимпиадасига бош режиссёр бўлиш учун та-лабгорлик қилган эди. Лекин ташкилий қўлмита Имоунга ре-жиссёрликка лойиқ деб топган. Спилбергининг 1972 йили ўт-казилган Мюнхен олимпиадасига бағишланган фильми хануз-гача қўлчиликда қизиқиб уйғотди. Хитой олимпиадаси ўйин-ларига режиссёрлик қилиш учун шоу-бизнес, театр ва кино арбобларидан бир қанчаси даъвогар бўлган эди. Ҳатто улар-нинг орасида Афина ва Сидней олимпиада ўйинларининг ре-жиссёрлари ҳам бор. Ҳозирча Сидней олимпиадасининг ре-жиссёри австралиялик Рик Берч таркибга киритилган.



BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY ATI:

Abdulla OROPOV

Latif G'ULOMOV

Asiddin RUSTAMOV

Ashur QODIROV

Bobir ALIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Alimqul SULTONOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Andrey ORLOV

(Bosh muharrir o'rinbosari)

«Golos Uzbekistona»

Norbobo SHAKAROV

Nomoz SA'DULLAYEV

To'lepbeg'ov

QAIPIBERGENOV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Olim MURODOV

Abdug'ani

MAMASODIQOV

(Mas'ul kotib)

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO' LIMLAR:

Siyosat, partiya va
xalqaro hayot

133-10-13

Ma'naviyat va ma'rifat

133-69-45

Ijtimoiy hayot va
iqtisodiyot

133-20-36

Parlament va huquq

136-76-21

Ekologiya va
salomatlik

133-44-55

Axborot, sport va
harbiy vatanparvarlik

133-21-43

Xatlar va
ommaviy ishlar

133-12-56 (Tel. Faks)

Mas'ul kotib

133-72-83

Reklama va o'lonlar

133-38-55, 133-47-80

VILOYAT

MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-32-70

Buxoroda —

222-10-92

Gulistonda —

25-22-32

Jizzaxda —

5-49-85

Navoiyda —

223-83-73

Namanganda —

6-43-43

Nukusda —

222-70-15

Samarqandda —

35-20-54

Urganchda —

226-51-35